

## “Маҳалла билан ҳамкорлик”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сонли Фармони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 202-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Шахрисабз” М.Ф.Й., билан ТИҚХММИ “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети ҳамкорлигига Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида спортнинг футбол тури бўйича маҳалла ёшлари иштирокида футбол ўйини ўтказилди. Иштирокчи ёшларга китоблар тақдим этилди.



Тадбирда “Шахрисабз” маҳалла раисининг хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Карабаева Матлуба Собировна ҳамда “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетининг Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ж.Турдиев, “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири З.Абдуллаев, кафедра доценти Х.Каримова, Ш.Зияева ва К.Кубяшевлар иштирок этишди. Шундан сўнг, маҳаллада яшовчи ногиронлиги бўлган ёшларнинг яшаш уйларига борилиб, уларнинг холидан хабар олинди ва совғалар улашилди.



**“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев маълумоти  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**